



QASHQADARYO VILOYAT SOG'LIQNI SAQLASH BOSHQARMASI BUYRUG'I

« 5 » 05 2023 yil 42-т.-son Qarshi shahri

Аҳоли орасида вирусли гепатитнинг “B” ва “C” турларини эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида“ги 2022 йил 6 майдаги ПҚ-243-сон қарори билан белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2030 йилга келиб вирусли гепатитларнинг ”B“ ва ”C“ турларини элиминациясига эришиш бўйича стратегиясини амалиётга татбиқ этиш ҳамда гепатитга қарши курашиш тадбирларини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 01 майдаги ”Вилоятда аҳолиси орасида вирусли гепатитнинг ва турларини эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тўғрисида“ги 95-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 1 май кунидаги ”Вилоятда аҳолиси орасида вирусли гепатитнинг ва турларини эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тўғрисида“ги 95-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур буйруқ билан вирусли гепатитларнинг ”B“ ва ”C“ турларини эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тартиби иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин ва ушбу тартиб асосида беморларни скрининг ва тасдиқловчи текширувдан ўтказиш ва даволаш тадбирларини амалга оширилиши таъминлансин.

3. Шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига:

- аҳоли орасида вирусли гепатитларнинг ”B“ ва ”C“ турларини эрта аниқлаш ва ушбу касалликларни даволаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 24 майдаги ”Республика аҳолиси ўртасида вирусли гепатитларнинг ”B“ ва ”C“ турини барвакт аниқлаш усулини босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш, асоратлар келиб чиқишининг олдини олиш ва даволашда маҳсус терапияни

ўтказиш тўғрисида”ги 110-сонли буйруғи ва ушбу буйрук билан тасдикланган тартиб асосида амалга оширилсин;

- скрининг текширувлари ўтказиладиган оиласий поликлиникалар ва оиласий шифокор пунктларида тадбирларни амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилсин;

- оиласий поликлиникалар ва оиласий шифокор пунктига экспресс-тестлар ўтказиш учун керакли компонентлар ўз вақтида етказиб берилиши таъминлансан;

- скрининг амалга ошириладиган шахсдар тўғрисидаги маълумотларни электрон дастурга киритиб борилиши йўлга қўйилсан;

- скрининг натижасида вирусли гепатитларнинг ”В“ ва ”С“ турлари аниқланган bemорларни мутахассислар томонидан текширувдан ўтказиш мақсадида йўлланма билан гепатомарказга юборилишини таъминласин;

- скрининг натижасида вирусли гепатитларнинг ”В“ ва ”С“ турлари аниқланган bemорлар тўғрисида Санитария-эпидемиология қўмитасининг худудий бўлимларига Ф-058-шаклда тезкор хабар берилсан;

- худудларда юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича шахсан шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари масъул этиб белгилансин.

4. Вилоят Соғликни сақлаш бошкармаси бошлиғи ўринбосари (З.Қосимов)га:

“IT-MED” МЧЖ скрининг амалга ошириладиган муассасаларни техник талабларга кура TAS-IX интернет тармоги (камида 4 Мбит/сек тезлиқда) ва Соғликни сақлаш вазирлигининг корпоратив тармогига улаш чоралари кўрилсан.

5. Республика ихтисослашган микробиология, юқумли, паразитар касалликлар Илмий амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали (Х.Эрназаров)га:

- гепатомарказларда скрининг натижасида вирусли гепатитларнинг ”В“ ва ”С“ турлари аниқланган bemорларни иммунофермент анализы (ИФА) усулида АФП (альфафетопротеин), PIVkA ва HBsAg антигенининг микдорий текширувларини ўтказиш, вирусли гепатит маркери мусбат натижа аниқланган bemорлар қонини олиш ва полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувидан ўтказиш учун Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қумитасининг худудий бошқармаларига етказиб берилишини таъминласин;

- Тошкент шаҳрида гепатитнинг ”В“ ва ”С“ турлари аниқланган bemорларни иммунофермент анализ (ИФА) усулида АФП (альфафетопротеин), PIVkA ва HBsAg антигенининг микдорий текширувларини ҳамда вирусли гепатит ”С“ маркери аниқланган bemорларда полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувларини ўтказиш мақсадида

йўлланма билан Вирусология илмий-тадқиқот институтига юборилиши таъминлансин;

- скринингда вирусли гепатит "С" мусбат аниқланган беморлар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг вилоят бошқармаси Вирусология лабораторияларида полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувидан ўтказилиши таъминлансин.

6. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси вилоят бошқармаси бошлигининг биринчи ўринbosари (С.Муродов):

-тиббиёт муассасаларининг экспресс-тест ўтказилиши учун мўлжалланган хоналарида зарур санитария-гигиена ва дезинфекция режимига амал қилиниши устидан назорат олиб борсин;

-скрининг амалга ошириладиган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон дастурга киритиб борилишини таъминласин.

7. Вилоят соғлиқни саклаш бошқармаси бошлиғи биринчи ўринbosари (Ш.Гаппаров), Республика ихтисослашган микробиология, юкумли, паразитар касалликлар Илмий амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали (Х.Эрназаров)ларга:

-полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текшируvida вирусли гепатит "С" аниқланган беморларнинг давлат бюджети ҳисобидан ажратилган вирусга қарши препаратлар билан бепул даволанишини таъминласин.

8. Вилоят соғлиқни саклаш бошқармасининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Н.Эгамов), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси вилоят бошқармаси бошлигининг биринчи ўринbosари (С.Муродов), РИМЮПКИАТМ К/Ф (Х.Эрназаров) оммавий ахборот воситаларида мавзуга оид мақолалар, туркум телекурсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш орқали аҳоли ўргасида вирусли гепатитларга қарши курашишнинг долзарб масалалари, шу жумладан ўтказиладиган скрининг текширувларини мунтазам ва кенг ёритиб борилиши таъминлансин.

9. Мазкур буйруқ ижросини назорати вилоят соғлиқни саклаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринbosари Ш.Гаппаров ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғи Т.Пакиров зиммаларига юклатилисин.

Бошлиқ

Б.Қ. Тешаев

Соғликни сақлаш вазирининг
2023 йил “ОИ” май
95 сонли бўйруғига
илова

Вирусли гепатитларнинг “B” ва “C” турларини эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тартиби

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартиб вирусли гепатитларнинг “B” ва “C” турларига скрининг ва тасдиқловчи текширувлардан ўтказиш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ахолини вирусли гепатитларнинг “B” ва “C” турларига скрининг ва мазкур тартибда белгиланган тасдиқловчи текширувларидан ўтказиш хамда “C” вирусли гепатитларни даволаш бепул амалга оширилади.

2-боб. Скрининг текширувларини ўтказиш

3. Барча оиласвий поликлиникалар (кейинги ўринда - ОП) ва оиласвий шифокор пунктларида (кейинги ўринда ОШП) масъул ходим 18 ёшдан катта бўлган, олдин скрининг текширувидан ўтказилмаган ва вирусли гепатитларнинг “B” ва “C” турлари билан диспансер назоратида бўлмаган фукароларни ўз розилигига асосан электрон платформада рўйхатдан ўтказади ва таҳлиллар топшириш учун лабораторияга юборади.

4. Ишлатилган экспресс тестлар бошқа ифлосланган материаллар билан бирга хавфсиз қутиларга солинади.

5. Экспресс тестлар ёрдамида вирусли гепатитларнинг “B” ва “C” турлари тасдиқланган ҳолатда, тестни амалга оширган лаборатория ҳамшираси беморни поликлиниканинг юқумли касалликлар шифокори ёки оиласвий шифокорга (кейинги ўринларда – ОШ) юборади.

6. Скринингда вирусли гепатитнинг “B” тури аниқланган беморлар ҳақида Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) шаҳар ва туман бўлимларига ахборот берилади.

Скрининг натижаларига кўра мусбат натижа аниқланган беморлар Соғликни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 542-сонли бўйруғига асосан рўйхатга олинади ва касаллик ўчоқларида тегишли профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади.

7. Барча ОП ва ОШПларидағи юқумли касалликлар шифокори (ёки ОШ) вирусли гепатит “В” ва “С” экспресс-тест натижаси мусбат аниқланган барча беморларни гепатомарказга юборади.

3-боб. Тасдиқловчи текширувlarини ўтказиш ва беморларни даволаш

8. Гепатомарказ вирусли гепатит “С” мусбат бўлган барча беморлардан тасдиқловчи ПЗР (полимераза занжир реакцияси) тести учун маҳсус пробиркага қон намунасини олиб, Кўмитанинг вилоят бошқармасига юборади. Йўлланмага беморнинг исм-шарифи, туғилган йили ва паспорт маълумотлари ёзилади.

Қон етказиб берилишига ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ва вилоят юқумли касалликлар шифохоналари жавобгар ҳисобланади.

Кўмита ходимлари қон намуналари етказиб берилишини назоратга олади.

Кўмита гепатомарказдан келган пробиркалардаги қонда вирусли гепатит “С” учун ПЗР таҳлилини ўтказиб, “IT-MED” МЧЖ да сервери сақланадиган geratit.ssv.uz электрон тизимига (кейинги ўринда - электрон тизим) бемор ҳақида бундан олдин киритилган маълумотларни таҳлил натижалари билан тўлдиради.

ПЗР таҳлили натижаларига кўра мусбат натижа аниқланган беморлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 542-сонли бўйруғига асосан рўйхатга олинади ва касаллик ўчокларида тегишли профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади.

9. Гепатомарказ лабораторияси келган беморлардан вирусли гепатит “В” учун микдорий HBsAg, PIVKA ва АФП (альфафетопротеин) аниқловчи таҳлилини ўтказиб, электрон тизимда бемор ҳақида бундан олдин киритилган маълумотларни таҳлил натижалари билан тўлдиради ва беморни гепатомарказ шифокорига юборади.

10. Лаборатор таҳлиллар ва қон олиш учун зарур бўлган тиббий буюмлар тиббиёт муассалари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда харид қилинади.

11. Бир ҳафтадан сўнг вирусли гепатит “С” аниқланган бемор таҳлил натижаларини билиш учун ҳудудий ОП ёки ОШПларидағи юқумли касалликлар шифокорига (ёки ОШга) қайтиб келади. Шифокор электрон тизимда беморнинг маълумотларини киритиб, натижалар жавобини топади.

ПЗР таҳлили натижаларига кўра, мусбат натижа аниқланган беморларни гепатомарказга юборади.

12. Гепатомарказга келган ҳар бир вирусли гепатит “С” ни тасдиқловчи ПЗР тест мусбат бўлган беморлар шифокор кўригига юборилади. Улардан АФП ва РИВКА учун қон намунаси олинади. АФП ва РИВКА натижалари тайёр бўлганидан сўнг натижалари электрон тизимга киритилади ва лозим бўлса бемор чақиртирилади.

13. Вирусология ИТИ ва вилоят гепатология марказларидағи даволаш-маслаҳат марказларида шифокорлар томонидан беморлар қабул қилинади, лозим бўлганда кўшимча текширишлар ўтказилади. Вирусли гепатит “В” ва “С” тасдиқланган ҳолатда, вилоят гепатомарказлари шифокори томонидан кўрилиб, даволаниш учун маҳсус дорилар буюрилади.

14. Вирусли гепатит “С” тасдиқланган беморларга тўлиқ даволаш курси учун вирусга қарши дорилар бепул берилади.

15. Дори берувчи ходим, дори берганлик тўғрисидаги маълумотни электрон тизимга киритади.

4-боб. Мобил бригадалар фаолиятини ташкиллаштириш

16. Скринингда вирусли гепатитнинг “В” ва “С” турлари аниқланган беморларнинг турли ҳил сабабларга кўра гепатомарказларга бориш имконияти бўлмаганда, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларда беморлардан қон намуналари олиниши ва гепатомарказ ҳамда Кўмитанинг вилоят бошқармасига юборилиши ташкиллаштирилади.

Бунда скринингда вирусли гепатит “С” аниқланган беморлардан ПЗР текшируви учун этилендиамидтетраацетат (ЭДТА) билан пробиркага қон олинади ва шу куннинг ўзида Кўмитанинг вилоят бошқармасининг вирусология лабораториясига термосумкаларда +2 - +8 °C ҳарорат шароитида етказиб берилади.

АФП ва РИВКА текшируви учун қон намунаси ҳудди шундай тартибда гепатомарказга етказиб берилади.

Скринингда вирусли гепатит “В” аниқланган беморлардан АФП, РИВКА ва HBsAg антигенининг миқдорий текширувлари учун ЭДТА билан ёки оддий қопқоқли пробиркага 3 мл қон олиниб, +2 - +8 °C ҳарорат шароитида гепатомарказга етказиб берилади.

17. Юқорида кўрсатилган беморларни мутахассислар томонидан текширувдан ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан режа-жадвал тузилган ҳолда мобил бригадалар фаолияти ташкиллаштирилади.

Мобил бригадаларга туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларда беморларни қабул қилиш учун шароитлар яратилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

18. Барча аниқланган bemорлар худудий ОП ва ОШП да диспансер ҳисобига олинади. Поликлиникаларнинг ОШ ва патронаж ҳамширалари bemорлар томонидан даволаш курсининг тўлиқ ўтилишини назоратга олади.

19. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Қўмитанинг худудий бошқармалари бошлиқлари, вилоят ва шахар юкумли касалликлар шифохонаси бош шифоқорлари ва Вирусология илмий-тадқикот институти ушбу тадбирларни амалга оширилишини барча босқичларда ўз назоратига олади.